

Нуридин домла Холиқназаров муфтий лавозимиға сайланди



18:28 / 19.10.2021 4853

2021 йил 19 октябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала қўрилди, Тошкент шаҳри бош имом-хатиби сифатида ишлаб келаётган **Нуридин домла Холиқназаров** Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий лавозимиға сайландилар.

Нуридин домла Холиқназаров 1968 йилда Андижон вилояти Асака шаҳрида туғилганлар. 1992 йилда Бухоро вилоятидаги Мир Араб мадрасаси, 1998 йилда Имом Бухорий номли Тошкент ислом институтини, 2007 йилда эса Фарғона давлат университетини тамомлаганлар.

Иш фаолиятлари давомида Асака шаҳридаги “Аҳмадали Махдум” масжиди имом-хатиби, Тошкент шаҳри “Оқ тепа” жоме масжиди имом-хатиби, пойтахтдаги “Кўкалдош”, Андижон вилоятидаги “Сайид Муҳиддин махдум” мадрасалари ўқитувчisi, Андижон вилояти бош имом-хатиби ва 2019 йилдан шу кунга қадар Тошкент шаҳар бош имом-хатиби вазифаларида меҳнат қилаётган эдилар.

Аллоҳ таолодан Нуридин домла Холиқназаровга ушбу шарафли ва масъулиятли вазифада улкан муваффақият тилаймиз